

АДАШДИМ, ЁМОН АДАШДИМ

Россиядан орттириб келган пулимни ўғлимни даволатишга сарфладим. Орадан олти ой ўтиб яна Россияга кетдим. Ўғлим билан кизимни онамга қолдирдим. Аммо тузалди деб ўйлаган ўғлим саёк бўлди...

7 бет

САРОБГА АЙЛАНГАН ОРЗУЛАР

Тадбиркорлик қилиб, уч-тўрт сўм жамғарган Азиз Саидов энди каттарок ишларга ҳам қўл урмоқчи бўлди. Ўйлай-ўйлай, савдо мажмуаси очилиши ният қилди-да, қурилиш учун ер излай бошлади.

8 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq



1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 19-noyabr, №47 (672)




РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИ ИШГА ТУШДИ

Одам савдоси — инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, оёсийишта турмуши ҳамда келажига тахдид солаётган транс-миллий жиноятчилик қўрилишларидан бири бўлиб, умумжаҳон миқёсидаги муаммо ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўлиб, бир қатор ишлар амалга оширилди. Аввало, одам савдоси жиноятлари барҳам беришнинг норматив ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси одамларнинг нолегал трафикига қарши курашишга қаратилган асосий ҳалқаро ҳужжатларга қўшилди.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси асосида 2008 йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши натижасида мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш билан бирга бу илатдан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асоси яратилди.



Хусусан, мазкур Қонунда одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, вақтинчалик турар жой билан таъминлаш ва бошқа масалалар алоҳида белгиланди.

Ушбу қонунни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 911-сонли қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сонли



қарори билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида 30 уринга мўлжалланган Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказининг ташкил қилиниши белгилаб қўйилди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида қисқа муддатда жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий бино қурилди ва 18 ноябрь кунги фойдаланишга топширилди.

Марказ ўз фаолиятини одам савдоси жабрдийдаларининг камситилишига йўл қўймаслик, шахсий ҳаёти ва шахсининг махфийлигига риоя қилиш, ижтимоий ва юридик қўллаб-қувватлаш ҳамда яқка тартибда парвариш қилиш тамойиллари асосида амалга оширади.

Мазкур марказда одам савдоси жабрдийдалари қўлай яшаш, шахсий гигиена шарт-шароитлари, озиқ-овқат, дори воситалари билан таъминланиши билан бир қаторда, уларга кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, юридик ва бошқа ёрдамлар кўрсатилади, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, қариндошлари билан мулоқот ўрнатиш ва ижтимоий реабилитация қилишда қўмаклашилади.

Марказнинг очилиш маросимида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо Комиссияси аъзолари, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси

МЎЎТАБАР ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

Конституция ҳар бир давлатнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади. Унинг меъёрлари нафақат давлат тузуми, давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этиш принципларини, балки ижтимоий ҳаёт меъёрларини ҳам белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Конституциясининг 14-бобида оилавий турмуш тарзининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи принципал қоидалар белгиланган. Унинг 12-боби эса жамиятнинг иқтисодий асослари, ижтимоий фаолият эркинлигини кафолатли таъминлаш, мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган.

Қайд этиш лозимки, конституцияларнинг юридик жиҳатдан анча мукаммал авлоди 20-асрда яратилган. Унга яратилган конституциялар орасида энг қадимийси Англия конституцияси бўлиб, унинг пайдо бўлиш тарихи 13-аср бошига, яъни 1215 йилга тўғри келади.

Албатта, бизнинг она заминда ҳам давлат барпо бўлиши билан уни бошқаришда маълум қонун-қоидаларга амал қилинган. Бироқ Соҳибқирон Амир Темурига бўлган ҳукмдорлар давлат бошқарувида "Адолат кучи" деган ақидага амал қилган бўлсалар, Амир Темури биринчи бўлиб "Куч-адолатда" деган шioriни олга сурди ва бу тамойил у тузган давлатда ахлоқий-маънавий мезонга айланди. Зеро, ушбу шiori 14-асрда айтилганлигига қарамай, ҳозирги кунга қалар ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Амир Темури ҳар ҳафтада бир маротаба арзбеги тақдим этган ариза-шикоятларни шахсан кўриб чиққан, тафтиш натижасига кўра айбдорларни жазага ҳукм қилган. У ўз давлатида мустақкам ҳуқуқ тизими ва қонун устувор бўлишига жуда катта аҳамият берган.

(Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида 2009 йилнинг 13 ноябрь кунги Ички ишлар вазирлиги, "Истиқболли авлод" ёшлар ахборот-маърифат маркази ва Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда "Одам савдосига қарши курашишнинг долзарб муаммолари" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

ДОЛЗАРБ МУАММОГА БАҒИШЛАНДИ

Семинарда прокуратура баб ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф вазирлиги ходимлари, этиш, асосан аҳолининг бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лоқурслари профессор-ўқитувчиларига нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Муҳомада одам савдоси бутунги кунда бутунжаҳон ҳамжамияти учун долзарб муаммо бўлиб, қамрови тобора кенгайиб бораётган бу трансмиллий жиноий фаолият турига қарши курашиш ҳар бир давлат ва нодавлат ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бири эканлиги, унинг олдини да барча ваколатли идораларнинг мақсадида одам савдосининг кучини бирлаштириш ва уларнинг ишини

ҳамкорликда самарали ташкиллаштириш муаммоларини қайд этиб, бу борадаги фаолият самардорлигини ошириш бўйича илмий-амалий тадбирлар қўлаштириш ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга оид тавсиялар киритилди.

Иштирокчилар мазкур муаммонинг ўта долзарб-лигини қайд этиб, бу борадаги фаолият самардорлигини ошириш бўйича қўлаштириш ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга оид тавсиялар киритилди.

Азамат МАМАТКУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳар қайси замонда долзарб аҳамиятга эга бўлган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари ҳамда ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъул бўлган бошқа ташкилот-

ТДЮИ ўқитувчилари, коллеж ўқитувчилари, психологлар, шунингдек ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашнинг ажралмас бўлаги эканлигини ва бунинг замирида тарбия энг муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

лар фаолиятини таҳлил этадиган бўлсак, ижобий натижаларни кузатишимиз мумкин.

13 ноябрь кунги Тошкент шаҳар юридик коллежида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, коллеж маъмурияти ва ўқувчилари иштирокида "Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш тўғрисида" амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Республика Бош прокуратурасининг бўлим мутахассислари, Уч-тепа тумани ИИБ профилактика нозирлари,

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирлар муҳомада этилди. Бунда ёшлар ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот тадбирларининг аҳамияти катта.

Маърузачилар дара сўҳбатда қатнашган талабаларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

Гули ҲОЖИБОЕВА, "Huquq" мухбири

Фарзанд бамисоли ҳаёт боғида экидан наҳол. Идиши бақувват дарахт кўп йиллар гуллаб, мева бергани каби инсон ҳам ўз авлодида гамхўрлик кўрсатади. Аслида ҳаёт мазмунини ҳам ана шунда!

Ота-она бўлиш ҳар бир инсон учун чексиз бахт, умид ва ишонч олиб келади, шу билан бирга улар зиммасига юксак масъулият ҳам юклайди. Бола туғилиши билан ота-она олдига ўзига хос ҳуқуқ ва

ҳақиқий эмас деб топиш ва бекор қилиш, алиментни суд тартибидан ундириш кабилар белгиланган. Оила кодексининг 79-моддасида вояга етмаган ёки вояга етган, аммо меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлаган шахслар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши, ЖКнинг 122-моддасида эса меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан

оила кўрғонига дарз кетди. Ўзаро келишмовчилик, қайнона келинининг адоватли муносабатлари сабаб бу оила пароканда бўлди. Ҳатто уларнинг муҳаббатли меvasи. — Ҳалимбек ҳам узилган ришгани боғлашга ожиз эди. Қайнона, қайнопаанинг "боланг бизники эмас" деган тўхматини кўтара олмаган Манзура Бектош билан ажрашишга қарор қилди. Эри бошқа қизга уйлانган, уларни буткул унутди. Аёл тўғатгани бағрига босиб, ота-

Ҳалимбекка нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилишни лозим топди.

Суднинг 2009 йил 31 июль кундаги ҳал қилув қарори билан давogarнинг даъво талаби қаноатлангилан. Аммо...

Бухоро шаҳар прокуратураси бу қарорга нисбатан протест киритди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ФПК 15-моддасига кўра, суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмас-

дан даъвогар ва боласига суднинг қарори билан алимент ундиришни белгилamay туриб жавобгар алимент тўлашдан бўйин товлаган деган ҳулосага келган.

Давogar ўз давосида жавобгар алимент тўлашдан бош тортганлиги учун уни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраган, ваҳоланки, алимент тўлашдан бош тортмиш тергов жараёнида ёки суд ҳукми билан исботланган бўлиши лозим. Жавобгар Б.Машрабовнинг алимент тўлашдан бош тортганлиги тергов жараёнида ёки суд ҳукми билан исботланмаган. Бундай ҳолатда жавобгарни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш қонунга зид ҳисобланади.

Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг ажримини билан фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг даъвогар М.Юлдиёевнинг жавобгар Б.Машрабовга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва алимент ундириш ҳақидаги фуқаролик иши бўйича чиқарган ҳал қилув қарорининг "жавобгар Б.Машрабовни фарзандига нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш" қисми бекор қилиниб, фуқаролик иши бўйича янги ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Миршод БОБОЕВ,
Бухоро шаҳар прокуратурининг ёрдамчиси

ПРОКУРОР ПРОТЕСТ КИРИТДИ

мажбуриятлар вужудга келади, булар — болани тарбиялаш, таълим бериш, яхши яшаш шароити билан таъминлаш, унга гамхўрлик қилиш кабиларга намоён бўлади. Ота-оналик нафақат қаратганининг инояти, балки жамият олдидagi энг катта бурчдир.

Таассуфки, ҳамма ота-оналар ҳам ўз зиммаларидаги вазифаларини тўлиқ амалга ошираётдилар, деб бўлмайди.

Оила кодексиди ота-оналик мажбуриятларини лозим даражада бажармагани ёки умуман бажармагани учун ҳуқуқий санкциялар: ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш, фарзандликка олишни

бўйин товлаганлик учун ота ёки онага жавобгарлик белгиланган.

Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар судида даъвогар М.Юлдиёев (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг жавобгар Б.Машрабовга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво аризаси кўриб чиқилди.

Никоҳсиз оила омонат экан. Афсуски буни Манзура Юлдиёева кеч англади. Белгиландими?..

2004 йил декабрда Манзура ва Бектош қонуний никоҳдан ўтмай ўзаро ишонч ва муҳаббат асосида оила қуришганди. Бу борада расмийликнинг кераги йўқ деб ҳисоблашганди. 3 йил ўтар ўтмас

оанасиникида яшай бошлади. Аммо уларнинг нафақаси 4 жонга етар-ми? Ўзи бирор жойда ишламасан! Собиқ эри ҳатто боласи оғир бегоб бўлиб қолганида ҳам ҳақ аҳвол сўрамасди. Манзура судга мурожаат қилди. Жавобгар Б.Машрабов судга ҳам келмади.

Суд жавобгарнинг ўз мажбуриятларини бажармасдан, фарзандининг маънавий тарбияси, жисмоний, ривожланиши билан шуғулланмаганилиги, алимент тўлашдан бош тортганлиги, унга гамхўрлик қилмаганилиги, ўзининг бу ноқулай ҳаракатлари билан фарзанди тарбияси ва камолатига салбий таъсир кўрсатганлиги сабабли Бектошнинг вояга етмаган фарзанди

дан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона ҳолда қоралар кўришга ҳақли.

Бирок, суд мазкур фуқаролик ишини кўриб чиқишда ушбу қонун талабига риоя қилмаган ва ишни бир томонлама ҳал этган.

Суд Оила кодекси 79-моддасининг, яъни жавобгар оталик мажбуриятларини бажаришдан бош тортганлиги, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товлаганлигини асос қилиб, оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ҳаттога йўл қўйган.

Тўғри, отанинг айби бор. Бирок, суд бундай қарор чиқарганига қадар жавобгар Б.Машрабов-

Халқимизда "Пухтанинг иши беш, шошманинг иши бўш" деган мақол бор. Дарҳақиқат, бугунги кунда уддуборин, ишнинг кўзини биладиганларнинг ошиги олчи. Бирини савдо-сотиқ билан, яна бири ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, ҳам ўзига, ҳам давлатга маълум даражада манфаат келтирмаяпти. Аммо яна айрим кимсалар ҳам борки, бундайлар "Ким билиб ўтирибди" қабилида иш тўтиб, мўмай даромад топиш илинжиде шошма-шошарлик қилишади. Нафақат ҳужжатсиз, балки сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариб, савдо қилишдан тап тортишмайди.

ҲАЛОЛЛИКДА БАРАКА БЎЛАДИ

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани бўлими томонидан Республиканинг Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги "Молния иқтисодий, солиқ ҳолатидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган тезкор тадбирларда ҳам ўз ишдаи ҳолатлар аниқланиб, уларнинг фаолиятига чек қўйилди. Жумладан, 6 та яширин цех фаолиятига барҳам берилди ва ҳуқуқбузарлардан 909,8 минг сўмлик маҳсулот, ҳомашё ва ускуналар олинди.

Фактларга мурожаат қилсак: 2009 йил 9 февраль кўни бўлимининг ҳодимлари ҳамда туман ДСИ ҳодимларидан ҳамкорликда ўтказган қисқа муддатли текширувда Колхозная кўчаси, 60 уйда яшовчи фуқаро Арслонбой Сметовнинг ўз уйда чигитдан қўлбола усулда пахта ёғини ишлаб чиқараётгани аниқланди. Унга тегишли бўлган 1-дона мойхўжво станогини, 80 литр пахта ёғини ўхшаш су-юкдик, 500 кг пахта чигити далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Мазкур ҳолат бўйича ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, қонунбузар жиноят ишлари бўйича Тахтакўпир туман судининг ҳукмига кўра жазога тортилди.

Шунингдек, тумандаги Ф.Гулмон кўчаси, 41-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Исломбек Айтмуратов ҳам ўз ишдаи қонунга хилоф равишда, ҳужжатсиз, талабга мувофиқ жавоб бермайдиган совуни ишлаб чиқараётган экан. Яширин цех қўздан кечирилганда 914 дона "URGENCH YOG" деб ёзилган, қўлбола усулда тайёрланган хўжайли совунари, 1-дона "URGENCH YOG" ёзуви бор темир мослама (печать), совун текислайдиган ёғоч, симли асбоб ҳамда шпатель борлиги маълум бўлди ва далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Фуқаро И.Айтмуратов ҳам суд қарорига кўра айб-ли деб топилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бўлимининг томонидан жорий йилда ўтказилган тезкор-таҳлилий қидрув тадбирларида асосий эътибор тадбиркорларни ҳимоя қилишга, уларнинг фаолиятига тўқсизлик қилинишига йўл қўймасликка қаратилди. Жойларда тарғибот-таъшиқот ишлари олиб борилиб, уларнинг қонуний тарзда иш олиб боришларига ақидан ердан берилди. Маълумки, аҳолига тўланган пенсия, стипендия ва иш ҳақи, мамакат мудофеаси, ҳақ таълими ва табиёт тизимида аҳрамликлари маблағлар солиқ орқали шаклланади. Буни қингир йўллар билан пул топаётган баъзи устамон "тадбиркор"лар унутмасликлари керак. Зеро, ҳалолликда барака бўлади.

Савит ЮСУПОВ,

Департаментнинг Хўжайли туман бўлими бошлиғи

ЎЗ ҲУҚУҚИНИ АНГЛАШ ҲИССИ

ойига 17 нафар "фаоллар" ёрдамида кўчаларга газ қувурларини тортиш учун ҳонадорлардан жами 42 миллион 136 минг сўм пул йиғиб олинган. Ушбу маблағ газга кирим қилинмаган, банкка топширилмаган. Раиснинг шахсан ўзи 35 млн. 718 минг сўм эвазига Жиззах шаҳридаги ҳусусий тадбиркор О.Зайниддиновдан 3 минг метр полиэтилен қувурларини олиб келган. Олди-сотди, йўлкари ҳужжатларини расмийлаштирмаган. Шунингдек, ҳонадорлардан пул йиққан Т.Долмонов 3 миллион 770 минг сўм, О.Тоғамуродов 972 минг сўм, М.Бегматов 755 минг сўм, Ф.Абдиев 665 минг сўм, Н.Махсумчаев 400 минг сўм, Б.Аҳмедов 331 минг сўм ва бошқа турт нафар "фаоллар" 190 минг сўм, жами 5 миллион 576 минг сўм бировларнинг маблағларини алдов йўли билан қўлга киритиб, талон-тарож қилишган.

Фуқароларнинг ҳақли эътирозларини келтириб чиқарган ушбу ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Вилоят прокуратурасида Поп тумани, Халқобод шаҳарасида истиқомат қилувчи Х.Мираҳмедовнинг "Халқ банки" туман филиалидан автобус сотиб олиш учун кредит ололмаётгани тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилди. Х.Мираҳмедов 2008 йил декабрь ойида 18 миллион сўм нақд пулларини банк филиалининг "Даромад 1" омонатида уч ой муддатга топширган. 2009 йил январь ойида ҳусусий корхонадан автобус сотиб олиш учун 48 миллион 950 минг сўм микролизинг беришни сўраган. Давлат тижорат "Халқ банки" Республика бошқарувининг 2007 йил 26 декабрь кўни қарорига асосан 20 миллион сўмдан зиёд кредит ажратиш учун банкнинг Марказий кредит қўмитасидан рухсат олиниши белгилангани сабабли йиғилган ҳужжатлар банкнинг республика бошқарувида юборилган. 2009 йил февраль ойи охирида микролизинг ҳисоб рақамиди пул айланмаси бўлмагани туфайли

кредит ажратиш рад этилган. Бирок "Халқ банки" республика бошқарувининг 2009 йил 27 март кўни қарорига мувофиқ 100 миллион сўмгача кредитларни бериш ваколати виллоят филиалларига ҳавола этилган. Бундан ташқари фуқаро Х.Мираҳмедов ҳусусий корхонасини янги очгани туфайли пул айланмаси бўлмагани ҳисобга олиниб, шу йил 6 апрель кўни унинг ҳисоб рақамига 48 миллион 950 минг сўмлик микролизинг маблағи ўтказиб берилиши таъминлан-

ди, талаби қаноатлангилан. Тўрақўрғон туманининг Ўрта қишлоқлик О.Нажмиддинов пластик картчакасини йўқотиб қўйган. Ўша заҳоти "Миллий банк" туман бўлимига хабар қилган. Бирок банк ҳодимлари бундай ҳолатларда қўлда тутилган чора-тадбирини қўришмаган. Микроиза янги пластик картчакка беришмаган. Шундан сўнг у ёрдам сўраб прокуратурага мурожаат қилган.

Қонун-қондага кўра пластик картчак йўқолгани тўғрисида хабар келиб тушган кўнинг ўзида банк ҳодимлари "стоп лист" тизимида киритишлари, икки банк иш кўнида "UZKART" тизимида киритиш учун юборишлари, уч банк иш кўнида микроиза янги пластик картчакка беришлари лозим. "Миллий банк" туман филиали бош ҳисобчиси-нинг ўринбосари У.Жўрабоев ва виллоят филиалининг пластик картчаклар билан ишлаш бўлими бошлиғи Ш.Камоллар ушбу хизмат вазифаларини ало этишмаган. Прократура аралашуви билан О.Нажмиддиновга янги пластик картчак берилиди.

Ўша пластик картчакани топиб олган шахслар савдо терминалидан ва банк ўртасида "ON-LINE" ягона тезкор алоқа тизими йўлга қўйилмаганидан фойдаланиб, ҳисобидидаги маблағни ўз билан-ларича сарфлашган, яширинча савдо қилган. Уларга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тегишли жазо тайинланди. Хизмат вазифаларига панжа орасидан қараган У.Жўрабоев ва Ш.Камоллар интизомий жавобгарликка тортилди.

Прократурага фуқаро Н.Расулов ишга тиклаб беришни сўраб мурожаат этди. У Норин туман ўсимликларини ҳимоя қилиш отрядининг биологаториясида ҳисобчи бўлиб ишлаган. Иш ўринлари қисқартирилиши муносабати билан отряд бошлиғининг буйруғига асосан турт нафар ҳодимлар қатори ишдан бўшатилган. Меҳнат кодексининг 89-моддаси талабларига амал қилмасдан буйруқ чиқарган отряд бошлиғи

Е.Тўйчибоевга нисбатан интизомий жавобгарликка оид иш кўзгатилиди. Бошқилиқнинг 2009 йил 13 апрель кўни буйруғи билан Н.Расулов аввалги иш жойига қабул қилинди, бузилган ҳуқуқи тикланди.

Фуқаролар қонунларига риоя қилишлари билан бирга ҳуқуқларини талаб қила билдишлари фуқаролик жамиятининг шартларидандир. Ана шу мақсадда прокуратура органлари ҳуқуқий тарғиботни кенг йўлга қўйишмоқда. Ва бу ўз самарасини бермоқда. Фуқароларда ўз ҳуқуқини англаш ҳисси кучаймоқда. Бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун ҳуқуқ-тарғибот органлари, бевосита судларга мурожаат этишмоқда. Прократура органлари қонун ва қонунности ҳужжатларига мувофиқ равишда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишмоқда ва ишораларда қонуний ҳал этилишини ўрганиб, таҳлил этиб боришмоқда.

Вилоят прокуратураси органларига тўққиз ой мобайнида ўтган йилининг шу даврига нисбатан 1100 талдан кўп - 4046 та мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг 1880 таси бевосита прокуратура органлари томонидан ҳал этилди. Шундан 35 фоизи қаноатлангилан. 2147 та мурожаатлар ҳал этиш учун тегишли муассасаларга юборилиб, назоратга олинди. "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида" қонун талабларига риоя қилиниши бўйича 16 та текширишлар ўтказилиб, аниқланган қонунбузарлиқ ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилди.

Вилоят, шаҳар ва туман прокуратура-ларидидаги "Ишонч телефонлари" орқали олинган мурожаатлар ҳам қонунга мувофиқ ҳал этилмоқда. Тўққиз ой мобайнида "Ишонч телефонлари" орқали 30 та мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг аксарияти тадбиркорлик фаолиятига тўқсизликни бартараф этиш, кредит олишга амалий ёрдам кўрсатиш сўралган.

Чўнчончи, Янгиқўрғон шаҳараси, Бешбўлоқ кўчасида яшовчи тадбиркор Б.Абдуллоев туман прокуратурасидан "Халқ банки" туман филиалига топширилган савдо тушумининг 1 миллион сўминини қайтариб олишда ёрдам беришни сўради. Қонун талабига риоя қилмаган банк филиали бошқарувчисининг ўринбосари О. Абдуллоев интизомий жавобгарликка тортилиб, тадбиркорга банк ҳисоб рақамидида пули олиб берилди.

Вилоят прокуратураси органлари фуқароларнинг мурожаатларини қонуний ҳал этишиб, бузилган ҳуқуқларини тиклашмоқда. Мансабдор шахсларнинг сансалорликлари туфайли жамият ва давлатга етказилган зарар ўрни қопланмоқда.


Жамолддин НИЗАМОВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлими прокурори

Фермер хўжаликларида деҳқонларнинг пировард натижадан бевосита иқтисодий манфаатдорлиги эвазига ишлаб чиқариш самарадорлиги ортмоқда. Унумли ва тежамли ишлаб, кўпроқ даромад олишни кўзлаётган фермер хўжаликлари барча экинлардан юқори ҳосил етиштиришмоқда.

Чунончи, туманимиздаги 366 та фермер хўжаликларининг қарийб барчаси ғалла ва пахта етказиб бериш борасида шартнома режаларини адо этишди. 7129 гектар майдонда режалаштирилган 22010 тонна ўрнига 26000 тоннадан зиёд ғалла ҳосилини йиғиштириб олишди. Чигит экилган 6708 гектар майдонда 23625 тонна пахта етиштириб, шартнома режасини 120 фоизга урланди. Ғалла, пахта, шунингдек, мевасабзавот, полиз экинларидан олган даромадларини туПРОҚ унумдорлигини, экинлар ҳосилдорлигини оширишга сарфлашмоқда.

Техника воситаларини янгилашмоқда. Яшаб турган қишлоқларида турли хизмат кўрсатиш тармоқларини йўлга қўйиб, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат Дастури ижросини таъминлашга муайян ҳиссаларини қўшишмоқда.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили



ДАСТУР ИЖРОСИ АМАЛДА

Туман прокуратураси барча соҳаларда қонунийлиқни, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастурининг ижросини таъминлаш, тадбиркорларни, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ёки кенгайтириш борасидаги тўсиқларни бартараф этиш, муаммоларни ҳал қилиш борасида фаол иш олиб бормоқда. Дастур асосида туманимизда кент миқёсда бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Туман маркази, қишлоқларда турар-жой, сервис қишлоқларининг муҳташам бинолари қал ростламоқда. Катта-кичик корхоналар ишга туширилиб, реконструкция қилиниб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Меҳнат ва бандлик муаммоси ўз ечимини топтоқда.

Хусусан, "Маданият тексти" МЧЖ модернизация қилиниб, техникавий ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланди. 1,1 миллион доллар миқдорда маҳсулотини хориққа экспорт қилишга киришди. Бундан ташқари шифер, асфальт, темир-бетон плиталар ишлаб чиқарувчи, пиллани қайта ишловчи, адрас, пайпоқ тўқиб чиқарувчи 6 та корхона ишга туширилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастурига асосан 1 та сут, 2 та мевасабзавот, 2 та гушт маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси иш бошлаб, аҳолига сифатли ва арзон маҳсулотларни етказиб беришмоқда. Шунингдек, туманда чорвачилик ривожлантирилмоқда. Шахсий ва ёрдамчи хўжаликлардаги қорамоллар сонин 49 минг бошга етказилди. Кам таъминланган оилаларга 109 бош қорамол тарқатилди. Ем сотиш шаҳобчалари, зооветеринария ва сунъий уруқлантириш пунктлари ташкил қилинди. Режалаштирилганига нисбатан икки-уч баробар кўпроқ асаларчилик, балиқчилик, паррандачилик хўжаликлари ташкил қилиниб, маҳсулотларини бозорга чиқаришмоқда.

Дастурда кўзда тутилган, президентимизнинг "Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар" тўғрисидаги Қарори асосида режалаштирилган объектлар ишга туширилди. 1 та янги умумтаълим мактаби қуриб битказилди. 3 та мактаб реконструкция қилинди, 6 та мактаб капитал таъмирланди, 2 та янги касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. "Уйғур" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидagi ўсимлар спорт мактабининг бокс зали таъмирланди.

Бюджетдан 171 миллион сўм ажратилди, 3 километрдан зиёд хўжалиқларо автомобиль йўллари, 1,2 километр газ тармоқлари капитал таъмирланди. 7,6 ки-

лометр масофада ичимлик суви қувурлари тортилди.

Туманимизда 3 та ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари ташкил қилиниб, турар-жой биноларини таъмирлаш ҳамда янги уйлари қуриш билан шуғулланишмоқда. Улар 164 миллион сўмлик ҳажмда иш бажаришди. Қишлоқларда замонавий архитектура талаблари асосида пишиқ гиштда, черепица томли жами 34,4 минг квадрат метрдан иборат уй-жойлар қуриб битказилди.

Хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес ривож топтоқда. 24 та янги савдо, умумий овқатланиш, тикувчилик корхоналари, ҳаммом, суратхона, сартарошхона каби маиший хизмат, 7 та матбуот дўконлари очилди.

Қурилиш ва обodonлаштириш, янги корхона ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини очиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни, асаларчилик, паррандачилик, балиқчиликни ривожлантириш, касаначилик асосида иш юритиш ҳисобига 4336 та янги иш ўринлари яратилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 106,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 110,5 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 116,5 фоизга, маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 127 фоизга ошди.

Тез тиббий ёрдам бўлимига 2 та, поликлиникага 1 та янги "Дамас" русеули автомобиллар топширилди. Бундан ташқари ҳомиёлар томонидан тиббиёт тез ёрдам биноси ва гаражининг қурилиши 32 миллион сўм маблағ ўтказиб берилди. Тугруқхона бўлими янги мебел жиҳозлари билан таъминланди.

Фарзандларимиз соғлом ва билимдон бўлиб ўсиб улғайишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Туман прокуратураси воёта етмаганларни фойдали маҳсулотлар билан банд этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунончи, Пахтабодда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан вилоят ХТБга қарашли умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида спортнинг шахмат тури бўйича вилоят очик бичирчиликни ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Ушбу ташаббусни мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотлари қўллаб-қувватлашди.

Қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини, жамят ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш борасида муайян ишлар амалга оширилди. "Пилла" давлат корхонаси ҳодимларининг мурожаатлари ўрганилганида, 44 нафар фуқаронинг иш ҳақлари тўланмаётгани ўз тасдиғини топди. Корхона раҳбари М.Қо-

диоров ва бош ҳисобчиси А.Мирзаев матмурий жавобгарликка тортилди. Фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро судига ҳодимларнинг салкам 10,7 миллион сўм иш ҳақларини ундириш ҳусусида даъво аризаси киритилди.

Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро Н.Усмонованинг фирибгарликдан иборат жинояти фож этилди. У Андижон шаҳри, Шахрихон ва Пахтабод туманларида истиқомат қилувчи бир неча фуқароларни Англия, Австралия мамлакатларида ишга жойлаштириб қўйишни ваъда қилиб, жами 62765 АҚШ доллари миқдоридagi пулларини йиғиб олган. Икки йил мобайнида қўйиларини пуч ёнғоққа тўлириб, лақиллатиб юрган.

Туман халқ таълим бўлимига қарашли 4-умумтаълим мактабига ёз ойлари "Дўстлик" оромгоҳи очилган эди. Оромгоҳ директори, она тили ва адабиёти ўқитувчиси М.Султонова, ҳамшира М.Тожибоева, Талим ва фан ҳодимлари биригашган қасаба уюшмаси қўмитасининг раиси Н.Фахриддинов ҳордиқ чиқараётган ўқувчилар сонини аслидаги қисбатдан қўнайитиб ёзиз орқали салкам 600 минг сўмлик оёқ-овқат маҳсулотларини "ҳазм" қилиб юборишган.

Юқоридagi ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилди.

Амалдаги қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини ўрганиб таҳлил этиш жараёнида аниқланган ҳолатлар юзасидан 24 та протест келтирилди, 44 та тақдирнома киритилди. 34 нафар шахс огоҳлантирилди, 74 нафар шахс интизомий, 82 нафар шахс маъмурий ва 8 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди. Судларга 39,6 миллион сўмин ундириш ҳусусида киритилган даъво аризалари қаноатлантирилди. 6 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

Туман маркази, қишлоқлардаги кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, ишсизлик муаммосини ҳал этиш, қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофиза қилиш органларининг ҳаёрийликдаги фаолияти натижада жиноятлар содир этилиши ўтган йилнинг ўн ойига таққосланганда 6,6 фоизга камайди.

Жазонинг муқарраллигини таъминлаш билан бирга ҳуқуқ-тарғиботнинг барча воситаларидан фойдаланиб, қонун ва қонуности ҳужжатларининг моҳияти сингдириб борилаётгани ўз самарасини бермоқда. Қонун доирасида иш қўраётган, ҳуқуқларини тасаруф этиб, мажбуриятларига амал қилмаётган фуқаролар мазмунли, тўқин турмуш кечириммоқда.

Муроджон ИБРАГИМОВ,
Пахтабод туман прокурори

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мустақиллик йилларида босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида Ўзбекистонда демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди.

Сайловлар — кучли фуқаролик жамятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқаролар жамят ва давлат ишларини бошқаришида иштирок этишининг асосий шаклидир.

Барчамизга маълумки, халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилган сайловлар куни тобора яқинлашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссиясининг 2009 йил 14 июлдаги 407-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловида тайёргарлик қўриш ва ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режаси"га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига асосан 2009 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 1 июлидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрдаги "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни мамлакатимиздаги парламент фаолиятини ташкил этишда сиёсий партияларнинг ўрни ва фаолиятини янада оширишга хизмат қилди.

Ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош қомиссининг 77-моддаси 1-қисми таҳрири ўзгаририлди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган 150 нафар депутатдан иборат бўлиши белгиланган бўлиб, Бундан ташқари сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Республикаимизнинг 12 та қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритилди.

Навоий гарнизони ҳудудидagi ҳарбий қисмлар ҳўмондонликлари ва муассасалар раҳбарлиги ҳам Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловини ўз вақтида сифати ташкил этиш, ҳарбий хизматчилар, Курулти қушлар ишчи ва хизматчилари, уларнинг оила аъзоларининг ушбу талбирда фаол иштирокчини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқдалар.

Жойларда ушбу талбирни ўтказиш масалалари бўйича гарнизон ва муассасалар бошлиқлари, ҳарбий қисм командирларининг бевосита раҳбарлигида ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, сайлов округлари комиссиялари раислари билан ҳамкорликда режалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, ҳарбий қисм ва муассасаларда участка сайлов комиссиялари 5-19 кишидан иборат таркибда тузилиб, уларнинг аъзоларини сайлов комиссиясига киритишда ишчанлик қобилияти ва сиёсий онги, жамоат ишларида фаолияти, ҳарбий хизматдаги намунали хизмати, сайловлар ўтказиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари бўйича билим савияси ва тажрибаси инобатга олинди.

Шунингдек, ҳарбий қисм ва муассасаларда сайлов участкаларини ташкил этиш, уларни керакли мебеллар билан жиҳозлаш, махсус адабиётлар, қўргазмалар ташвиқот воситалари билан таъминлаш ишлари ушўқоқлик билан олиб борилади.

Ҳарбий бўлиммалар ижтимоий-сиёсий ахборот бериш хоналарида "сайлов бурчаги" ташкил қилиниб, ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови мазмун-моҳиятини тушунириш, уларни қонунчиликда юз бераётган ўзгаришлар ҳамда оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзуда ёритилаётган материаллар билан яқиндан танишиши имконияти яратилмоқда.

Навоий ҳарбий прокуратураси теозкор ҳодимлари томонидан яқинлашиб келаётган сайловларни юқори савияда ўтказилишини таъминлаш мақсадида ҳарбий қисм ва муассасалар шахсий таркиби ўртасида сайловлар мазмун-моҳияти, уни ўтказиш тартиби, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган сиёсий ҳуқуқлари юзасидан тушунириш ишлари олиб боришмоқда. Мазкур ҳуқуқий тадбирларда сайлов қонунчилигида юз бераётган ўзгаришлардан ташқари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳақида ҳам тушунчалар берилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий гарнизони ҳудудда жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларда яқинлашиб келаётган муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар қонунга тайёргарлик қизгин давом этмоқда.

Ф. БЕГАШЕВ,
Навоий ҳарбий прокурори



Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул
қилинган куннинг
17 йиллиги олдидан

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Соҳибқирон бобомизнинг жамиятга, ижтимоий-сиёсий ҳаёtgа қараш, бирлашган қудратли феодал давлатнинг сиёсий ва ахлоқий қондалари ҳақида "Темур тузуқлари"да ҳам гап боради. Унда

Уша давр нуқтаи назаридан қараганда бундай амалиёт давлатни адолатли бошқариш, кўпчиликнинг фикрини ўрганиш ва улар билан ҳисоблашиш, халқни фаровонлик ва тараққиётга етаклаш, мамлакатнинг ички ва ташқи оқошишлигини сақлашда фойда муҳим аҳамият касб этади. Булар давлатни бошқаришнинг асосий тамойиллари эмасми?!

"Темур тузуқлари"ни инглизчадан француз тилига таржима қилиб, 1787 йилда нашр эттирган француз олими Лянгле Темур ҳақида "Темурхон (темур) сиёсий ва ҳарбий тактика ҳақида рисола ёзган ва ўз авлодлариға жуда доно тизим қолдирган. Биз буни тасаввур ҳам қилмаган эдик ва унинг урушларини босқинчилик, талон-тарож қилиш деб баҳолаб келган эдик. Деярли энгиб бўлмайдиган икки тўсиқ — биздаги таассуб ва тарихий ноҳақлик Темурни билишмизга ва тўғри баҳолашимизга ҳалақит бериб келди", деб

ҳаётидаги ўрни ҳақида фикр юрт экан, у Асосий Қонунимиз сифатида давлатни давлат, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлиши мукаррар, деб таъкидлаган эди.

Давлатнинг жамиятга раҳбарлик қилиш ва бошқариш соҳасидаги ролини, унинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати белгиланган. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш эса турли хил ҳуқуқий асос орқали амалга оширилган. Улар орасида асосий ўринни ҳеч шубҳасиз Конституция эгаллайди.

Маълумки, Асосий қонун, яъни Конституцияда бошқа барча жорий қонунлар учун муҳим аҳамиятга эга ҳақ ва асосий қондалар мустақамланади. Шу тариқа ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий тизимида Конституция устувор аҳамият касб этади. Конституциянинг устуворлиги яна шунда намоён бўладики, унга нафақат шу давлат фуқаролари,

вий равишда ўрганиш ҳамда уни ҳаёtgа татбиқ қилишга боғлиқ. Шунинг учун давлатимиз раҳбари 2001 йил 4 январда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида" Фармойиш қабул қилди. Унда таъкидланишича, Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўрганиш, мактабларда дарслик тариқасида ўқитиш ҳамда олий ўқув юрларида махсус дарс сифатида ўрганиш вазиға қилиб қўйилган. Демак, Фармойиш ёшларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаб етишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур Фармойишга асосан умумтаълим мактаблари, барча лицей ва коллежларда ҳамда олий ўқув юрларида Конституцияни ўрганиш йўлга қўйилган. Шунингдек, матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирокида ўтказилаётган турли учрашуларда катта ёшли аҳоли орасида

органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали — Қонунчилик палатаси (Қуйи палата) ва Сенат (Юқори палата)дан иборат.

Мазкур бодда Қонунчилик палатасининг ваколатлари ҳамда уларнинг фаолиятлариға оид қонуний асослар тўла акс эттирилган.

23-бодда сайлов тизими ўз аксини топган. Асосий Қонунимиз ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда юртимизда жорий йилнинг 27 декабрида бўладиган сайловларга қизгин тайёргарлик кўрилайётгани ана шу қонунларнинг ҳаётий воқеликка айланган бораётганини кўрсатади.

Ҳа, бахтимиз Қомуси — Конституцияимизни мўътабар ҳуқуқий ҳужжат, қонунларнинг қонуни дейиш мумкин. Шу боис ҳам улар давр мобайнида унинг тегишли моддалариға мувофиқ

МЎЪТАБАР ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

давлат тизими, давлатдаги турли давлатларнинг вазифаси, ундаги турли тоифалар ва уларға муносабат, давлатни бошқаришга асос бўлган қондалар, қўшинларнинг тузилиши, тартиби, уни бошқариш, таъминлаш, рағбатлантириш, қўшин турларининг ўрни ва ўзаро муносабати каби масалалар баён этилган. Давлат ишларини ҳар доим ислом ва шариат ҳукмлари асосида олиб борганлиги бир неча бор таъкидланган. "Салтанатим мартабасини, деб таъкидлайди Амир Темур, қонун-қондалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсаннинг қурби етмасли". Бундан ташқари, асарда жамият ишлариди одамларнинг ўн икки тоифага бўлиниши, салтанатни бошқаришда ўн икки тоифага амал қилинганлиги қайт этиб ўтилган. Соҳибқирон бобомиз салтанат ишларида турт нарсага — кенгаш, машварат маслаҳат, қатъий қарор ва эҳтиёткорлик тамойиллариға амал қилган.

Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси "муқаддима"сида санаб ўтилган устувор меъёрлар Ўзбекистон халқи, ҳар бир фуқароси ҳаётининг маъноси, мақсади қай даражада улғув ва эзгу эканлигини умумбашариётга маълум қилади.

Конституцияда давлатимизнинг мақсади, суверенитети, ички ва ташқи сиёсий тамойиллари ўз ифодасини топиши билан бир вақтда, инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолат тамойиллариға содиқлиги белгилаб берилган. Шунингдек, Асосий Қонунимиз фуқаролар учун муносиб ҳаётни таъминлаш, барқарор бозор иқтисодиға асосланган демократик давлат, фаровон жамият учун ҳуқуқий пойдевор яратиб бериш.

Ўзбекистон Республикаси суверенитетга эришган, бозор иқтисодиёти муносабатлариға асосланган ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган. Асосий Қонунимиз юртимизда ҳақон амалиётда мавжуд бўлган мулк шаклларининг барча турлари эркин ва тенг ривожланишиға, ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза қилинишини кафолатлади (53-модда). Ҳусусий мулкнинг шаклланиши ва ривожланишиға берилган иқтисодий-ҳуқуқий шартон ўтган йиллар ичиди мулкдорини мулк билан чамбарчас боғлади, иқтисодий тараққиёт ва соғлом рақобат муҳитини яратиб берди.

Бу жараёнда нотариал идораларнинг ҳам

ёзган эди. Бу ажноби олимнинг Соҳибқирон бобомизға эҳтироми, унинг "Темур тузуқлари" Буюк қомус эканлигини тан олиши эмасми?! Демак, ҳаётимиз Асосий Қонунимиз илдизи худди давлатчилигимиз тарихи сингари қадимийдир ва у асрлар оша ривожланиб келаяпти.

Ҳар бир халқнинг орзу-истағи, мақсад ва интилишлари адолат қарор топан эркин ва мустақил юрт туғрилоғда яшаб меҳнат қилиш, шу Ватаннинг беғубор ҳавосидан нафас олишдир. Мамлакатимиз мустақилликка эришган Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлиғида ишлаб чиқилган 22 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган 8 декабр алоҳида қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қуни, умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон собиқ иттифок республикалари орасида биринчи бўлиб ўз Конституциясини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Конституцияимизнинг жамият ва давлат

балки давлатнинг ўзи ҳам риоя қилиши керак. Ҳуқуқ ва давлат ўзаро боғлиқ бўлганлиғиға жамиятда Конституция ва қонунлар устуворлиғи таъминланган.

Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур эта олмайди. Негаки, ҳар бир фуқаро қунақли ҳаётида унда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларға бевосита мурожаат қилганда ҳамда ушбу Асосий қонунға эркинликларини кафолатловчи юридик ҳужжат сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам демократик жамиятда яшаётган шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган муаммоларнинг ечимини айнаан Конституциядан топа билмоғи лозим.

Дарҳақиқат, демократик тараққиётнинг бош омил мамлакатимизда Бош қомусимизни омма-

ҳам Конституциянинг мазмун-моҳиятини кенг тушунириш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишлар ўзининг ижобий самарасини бериб, бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларға мурожаат этаётган фуқаролар, солиқдор ва ишбилармонлар сонини ортаётгани улар ўз ҳуқуқларини чуқурроқ англаб етаетганликларининг исботидир.

2002 йил 27 январда юртимизда ўтказилган Умумхалқ Референдуми натижалариға қўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституцияимизнинг 18-, 19-, 20- ва 23-бодлариға тўзатиш ва қўшимчалар киритилган. Зеро, бу ўзгартиш ва қўшимчалар бундан буёнги тараққиётимизда жуда муҳим ўрин тутиши таъминий.

18-бодда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий асослари белгиланган. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий вакиллик

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида юзлаб қонунлар лойиҳалари муҳокама қилиниб, Олий Мажлис Сенати томонидан аффиоҳча ўрганилиб, депутатларимиз томонидан тасдиқланди. Бу қонунлар халқимизнинг ҳуқуқий онгини юксалтириб бориш баробарида буюк келажақ сари йўлчи юлдуз бўлиб йўлимизни ёритиб туриши шубҳасиз. 8 декабр қуни мустақил мамлакатимиз аҳолиси Умумхалқ байрами — Конституцияимиз қабул қилинган куннинг 17 йиллигини тантанали равишда нишонлайди. Мана 17 йилдирки, шу азиз тўпироқни ўз Ватани деб билган суверен давлатимизнинг ҳар бир фуқароси бу ажойиб қуни зўр қувонч билан қутиб олмоқда. Ўз Қомуси ва ўз номини бар халқларини улғу байрамларға лойиққиллар. Биз ана шундай халқимиз.

Бахтиёр ИСМАТОВ,
Қарши шаҳар прокурорининг ўринбосари
Норбўта ҒОЗИЕВ,
журналист.

ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

лиги доимо бир-бирини тақозо этадиган тушунчалардир.

Нафақат Ғарб ҳуқуқ фалсафасида, муслмон ҳуқуқи — фикҳи ҳам мулк ҳуқуқиға шахс эркинлигининг муҳим асоси сифатида қаралган. Ҳусусий мулкни дахлсиз деб эътироф этиш мулкий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш баробарида, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳам муҳофаза этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принциплариға асосланади, уларға қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадриятлари ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" деб белгилаб қўйил-

ган. Мулк ҳуқуқи ана шундай дахлсиз ҳуқуқлардан саналади.

Истиқдониинг дастлабки йилларида қонун фуқароларининг мулкий ҳуқуқларини белгилашга оид қонунларни тақомиллаштиришға эътибор қаратилди. Шундан келиб чиқиб мамлакатимиздаги давлатта тегишли бўлган уй-жойларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш тартибини белгилловчи қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. 1991 йил 19 ноябрда қабул

қилинган "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонун шулар жумласидан. Ушбу қонун асосида давлатта қарашли кўпгина уй-жойлар фуқароларға шахсий мулк сифатида хусусийлаштириб берилди.

Нотариал идоралар томонидан расмийлаштирилётган қўчмас мулкка нисбатан олди-сотди, ҳалы, айирбошлаш шартномаларини турлари қўйлади. Бу ҳолат эса фуқароларимиз ҳуқуқларини кенгайтганлиғида далалат беради.

Амалдаги фуқаролик қонунчилиғиға қўра мулкдорнинг мол-мулкка нисбатан ҳуқуқи эрки асосида (шартномалар тузиш воситасида) ва мажбурий равишда тўғатилиши мумкин. Национализация, рекви-

зиция ва ер участкасини давлат ва жамият манфаатлари учун олиб қўйилиши орқали мулк ҳуқуқини бекор қилиш ФКнинг тегишли моддалариға қўра амалга оширилиши лозим.

Ҳозирги кунда уй-жойлар ва қўп қаватли бинолардаги турар-жойларнинг олди-сотди шартномаси жуда кўп амалга ошириладиган шартномалар қаториға кирилади. Мустақилликка қалар қўп қаватли бинолардаги турар-жойларни сотиш шартномалари деярли учрамас, сабаби бундай бинолар давлатта қарашли бўлиб, улардан фойдаланиш шартномаси тузиларди.

Уй-жойларнинг олди-сотди шартномалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 29-бобидаги "Қўчмас мулкни сотиш" номли 7-параграфда белгиланган ҳуқуқий меъёрлар билан бир қатори шу муносабатларни тартибга солишға қаратилган бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солиб келинмоқда.

Республикаимизда амалга оширилаётган сул-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида нотариат фаолиятини тартибга солишға доир ҳуқуқий тизимға хусусий нотариал идораларни ташкил этиш, нотариусларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартиришлар фуқароларнинг нотариус хизматиға тобора ортиб бораётган талабларини самарали қондиришға қаратилган.

Мавжуда МАДАЛИЕВА,
ҳуқуқшунос

БОЛАНИНГ ҒАМХҲҲРИ КИМ?

Кейинги пайтларда ўқишга кирамаган ёки ўқиш истасида бўлмаган, ҳали 18-19 ёшга тўлмаган ёш йиғитларнинг аксарияти меҳнат шартлиги қарамадан турли хил оғир ишларни ҳам бажарётганликларига ўзим бир неча бор гувоҳ бўлдим. Тўғриси жуда ачинасан киши. Аммо уларни ишлатётганларни эса, бу йиғитларнинг келгуси ҳаёти умуман қизиқтирмайди. Бундайларни тартибга солидиган қонун борми?



Ф.Валиев,
Жиззаха шахри

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексидан бошқа метёрий ҳужжатларда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат муносабатларига оид бир қатор шарт ва қарорлар тилга олинган бўлиб, улар қаторида бундай шахсларнинг юк кўтариш нормалари ҳам белгиланган. Жумладан, Республика Адлия вазирлигида 2009 йил 12 майда 1954-сон билан рўйхатга олинган «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисида»ги Низомда белгиланишича, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 4,1 кг дан оғир бўлмаслиги, шунингдек улар аравача ва вагонетка ёрдамида юк ташишларида жалб этилмаслиги лозим.

Ўн олти ёшгача бўлган воёга етмаганлар иш вақтининг учдан бир қисми юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, қўлда юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси: ўғил болалар учун - 6,5 кг, қиз болалар учун - 3,5 кг дан оғир бўлмаслиги лозим.

Ўн олти ёшгача бўлган воёга етмаганларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 2 кг дан оғир бўлмаслиги лозим.

Ўн олти ёшгача бўлган воёга етмаганларга аравача ва вагонетка ёрдамида юк ташишларида рухсат этилмайди.

Бундан ташқари, юк кўтариш ва ташиш турларига қараб, бошқа шартлар ҳам белгиланган.

Энг муҳими, мазкур Низом мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлатган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатларида қўлланилади.

ТАН ОЛМАСА-ЧИ?

Мени бундан етти ой олдин бирон бир сабабсиз ишдан бўшатиб юборишди. Ноҳақлик бўлганлиги учун судга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Суд менинг талабимни қаноатлантириб, ишга тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Лекин энди иккинчи муаммо келиб чиқаётти. Мен ишдан кетганимдан кейин ўрнимга бошқаси олишган экан. Суд мени ишга тиклаганидан сўнг директор суд қарорини ижро қилишга мажбур бўлди. Аммо ўрнимга олишган ходим эса қарорни тан олмасдан, бошқа ишга киравер деб жанжал қилаётти. Бу вазиятда нима қилса бўлади?

Ш.Оллоберганов,
Урганч шахри

Агар суд сизни ишга тиклаш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса, демек корхона раҳбари уни бажаришга мажбур. Қолаверса, сизнинг ўрнингизда ишлатган ходимни корхона раҳбари имконият доирасида бошқа иш билан таъминлаш мумкин ёки Меҳнат кодексининг 106-моддаси 2-бандига мувофиқ, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилади.

ТУЗАТИШ

«Нидиқ» газетасининг 05.11.2009 йил 45-сонидagi «Маслаҳатхона» рункидаги мазкур савоалга берилган жавоб қуйидаги тарзда тўғри-лаб ўқийдиган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрь кунги «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-213 сонли қарориди белгиланишича, Қуроли Кучлари сафида муқаддас ҳарбий хизматни ўтаб бўлган

ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ИМТИЁЗИ

Мен айни пайтда Ўзбекистон Қуроли Кучларида ҳарбий хизматни ўтайман. Келгуси йилнинг баҳорида хизмат муддатим тўғайди. Хизматдан қайтиб, олий ўқув юртига ўқишга қирмоқчман. Ҳарбий қўмондонликдан тавсиянома олсам, ўқишга киришда бу неча балл беради?

Н.Қурбанов, Самарқанд шахри

фуқаролар учун республика олий ўқув юртига ўқишга киришда тест синовларида тўпладиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклида имтиёз берилади. Мазкур имтиёз ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга шахсларга Ўзбекистоннинг истисносиз барча олий ўқув юртиларида таълимнинг ҳамма йўналишларида жорий этилади.

Шу билан бирга, ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ тест синовиди керак-ли балл тўплай олмаган муқаддас ҳарбий хизматни ўтаган абитурентлар ўқишнинг педагогика, қишлоқ ҳужалиги, табиий-илмий ва техника йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Нидиқ» газетасининг «info@hуquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишнинг ёки (8-371) 233-26-62 телефони орқали мурожаат қилишнинг мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб берди

МЕҲНАТ КАФОЛАТИ

Мен ўрта мактабни тугатганимдан сўнг олий ўқув юртига ўқишга кирамадим. Шунинг учун дарҳол ишга кириш ҳаракат қилдим. Ишни мустақил равишда тополмаганим учун меҳнат биржасига мурожаат этдим. У ердан мени бир корхонага ишга жўнатишди. Аммо корхона директори ёш болани ишга олмайман дедим. У шундай қилишга ҳақимми?

К.Нурматов,

Тошкент шахри

ган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи ишга қабул қилиш шарт.

Белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга қабул қилишни рад этиш таққиланади ва бундай рад этиш устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Бундай тоифадаги шахсларни ишга қабул қилишнинг муҳим ҳусусиятларидан бири, бу уларнинг соғлиғига эътиборнинг алоҳида қаратилганлигидир. Шунинг учун улар ишга киришдан аввал тиббий қўрикдан ўтишлари ва бундай қўрик улар

ўн саккиз ёшга тўлганларига қадар ҳар йили мажбурий тарзда ўтказиб турилиши шарт.

Бундан ташқари, ўн саккиз ёшга тўлмаганлар меҳнат қилиш борасида қатта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, белгиланган қўшимча имтиёزلардан фойдаланиладир.

Шу билан бирга, уларнинг меҳнатидан соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шартоти ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш таққиланади.

БЎЙСУНМАГАН ҲАЙДОВЧИ

Агар автомашинани ҳайдовчи маст ҳолатда бошқарувдан четлаштирилиб, тиббий қўрикдан ўтказилса. Айтимчи, агар ана шундай ҳолатдаги ҳайдовчи тиббий қўрикдан ўтишни хоҳламаса, йўл патрул хизмати ходими қандай ҳатти-ҳаракат қилишга ҳақи бўлади?

Ш.Турсунов,

Бешарх тумани

Бундай ҳолатларда йўл патрул хизмати ходими албатта «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни қўриб чиқишни ташкил этиш ҳақида»ги Йўриқнома талаблари асосида иш тутайди. Яъни, транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарётган деб ҳисоблашга етарли асослар бўлган ҳайдовчи тиббий қўрикдан ўтишдан бўйин товлаган тақдирда икки гувоҳ ёки ходим иштирокида баённома тузилади. Унда мастлик белгилари ва ҳуқуқбузарнинг текширишдан бўйин товланган ҳаракатлари батафсил кўрсатилади. Баённомага ҳуқуқбузарнинг бўйин товланган сабаблари ҳақидаги тушунтириш хати ва икки гувоҳ ёки ходим иштирокида тузилган далолатнома илова қилиниши мумкин.

ПУЛ ОЛАДИМИ ЁКИ ЙЎҚМИ?

Ўзбекистонда кейинги йиллар давомида мобил алоқа тизими жуда ривожланиб кетди. Бундай алоқа тизимлари деярли ҳар ойда янги-янги хизмат турларини тақдиф қилишяпти. Мен ҳам ана шундай алоқа хизмати турларидан бирига уланганман. Лекин ҳоҳида кўрсатилган хизмат учун тўлов борасида айри тушунмовчиликлар келиб чиқаётти. Жумладан, меннинг шахсий ҳисоб рақамим ҳақида ахборот сўраганимда оператор бепул хизмат кўрсатади. Аммо баъзан ўз ҳисоб рақамимни текшириб кўраганимда пул олинганлигини кўраман. Аслида бунинг бирор бир қонун-қоидаси борми?

Ж.Чориев,

Вобкент тумани

Бор албатта. Ҳар қандай соҳани ҳуқуқий тартибга солуви метёрий ҳужжат бўлгани каби бу соҳада ҳам 2009 йил 6 февралда 1900-сон билан рўйхатга олинган «Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш Қоидалари» амал қилади. Ушбу қоида талабларида белгиланишича, мобил алоқа хизматини кўрсатуви компания оператори абонентнинг шахсий ҳисоб рақамининг ҳолати тўғрисида ахборот бериши унинг бепул хизмат кўрсатиши лозим бўлган вазифалари тоифасига кириди.

Бундан ташқари, оператор томонидан кўрсатилган бепул хизматларга яна қуйидагилар кириди:

- тақдим этиладиган мобил алоқа хизматлари тўғрисида ахборот бериш;
- операторнинг мобил алоқа тармоғига хизмат кўрсатиш зонаси тўғрисида ахборот бериш;
- тарифлар тўғрисида ахборот бериш;
- ахборот-маълумот хизматлари тўғрисида ахборот бериш;
- оператор (филиаллари)нинг реквизитлари (жойлашган ўрни) ва иш тартиби тўғрисида ахборот бериш;
- абонентдан техник носозликлар, SIM-карта ёки абонент қўрилмаси йўқолганлиги (SIM-карталардан фойдаланиш қўзда тутилмаган мобил алоқа стандартлари учун), абонентнинг шахсий маълумотлари ўзгарганлиги тўғрисидаги ахборотни қабул қилиш;
- мобил алоқа тармоқларида абонент қўрилмасидан фойдаланиш имконияти тўғрисида ахборот бериш.

Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида муҳим ҳисобланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар ва янгилıklar мамлакат тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунининг янги тахрирда қабул қилиниши билан прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориши, тергов ва суриштирув ҳамда тезкор-қидирув фаолияти устидан назоратни амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари,

курашмоқ керак" номли асариде "тергов органлари жиноятларни содир этилишига олиб келган ҳақиқий сабаб ва шарт-шароитларни, ҳуқуқбузарнинг шахси ва уни жиноятга ундаган омилларни ҳар доим ҳам пухта ўрганмайди. Терговни зўравонлик билан олиб бориш, яъни олдин ҳибсга олиб, жамиятдан ажратиб, кейин унинг айбини исботлашга киришибдики ўтган замондан қолган ярамас тажрибага ҳали-ҳануз барҳам берилмаган", деб таъкидлаб ўтган эди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётида фуқароларни асосий ушлаш, қамоққа олиш ва қонунсиз жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлари мутлақо бўлмаслиги керак. Ҳар бир шундай ҳолат фавқулодда ҳодиса деб баҳоланиб, у юзасидан чуқур текшириш ўтказилиб,

дир этилгани аниқланган тақдирда, уларни қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортиш масаласи қўриб чиқилсин", деб кўрсатма берилган.

Ҳар бир суриштирувчи, терговчи жиноят ишини асосли қўзғатиши, терговнинг ҳар томонлама, тўла ва ҳолисоналигини таъминлашга оид қонун талабларига риоя қилиши, шахсининг конституциявий дахлсизлигини таъминлашга лозим. Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг ҳам асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади.

ТЕРГОВЧИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МУСТАҚИЛЛИГИ

давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият берилмоқда.

Жиноятчиликка қарши курашда дастлабки терговнинг аҳамияти катта, айнан дастлабки терговни юритиш жараёнида айбловнинг характери ва ҳажми, унинг ҳуқуқий баҳоси белгиланади, бу эса ўз навбатида суд муҳокамаси доирасида ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга замин яратяди.

Суриштирув ва дастлабки терговни тўғри ташкил қилиш ҳамда уларни амалга оширишда қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назоратини амалга ошириш жиноятларни тезкорлик билан тўлиқ очиш, уни тўла, ҳар томонлама, ҳолисона тергов қилиш ва ниҳоят суд томонидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқарилишининг қафолати ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши курашнинг амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокуратура органларининг асосий вазифалари - қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясига ҳар қачонгидан ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳеч бир қонунсиз ушлаш, қамоққа олиш, асосиз жиноий жавобгарликка тортиш ва айбисз кишини судлаш билан боғлиқ қонун бузилишлари эътибордан четда қолмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги айрим салбий ҳолатларга мамлакат Президенти Ислам Каримов эътиборни қаратиб, ўзининг "Хавфсизлик ва тинчлик учун

қатъий ва жиддий ҳулосалар қилиниши лозимлиги тар прокурорнинг соҳавий буйруқларида қайд қилинган.

Тергов иш юритувчи, яъни жиноий суллов иш юритувининг бу жараёнида прокурор назоратини таъминлаш давомида гаразли муносабатда бўлиш, бирёқламалиқни, одамлар тақдирига бефарқлиқни намоён этиш, айб эълон қилишда тасдиқланмаган ҳулосаларни тасдиқлашга уриниш каби ҳолатлар прокуратура ҳодимларига номуносиб ҳаракат деб баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада тақомиллаштириш тўғрисида"ги 2004 йил 9-декабрдаги 31-сонли буйруғида "Фуқароларнинг ҳуқуқларини чекилаш билан боғлиқ тергов ҳаракатларини ўтказишда қонунни ҳар қандай тарзда четлаб ўтиш, адолатсизлик ва шахсининг қадр-қиммати, шаънини камситишга йўл қўйиш каби ҳолатларга фавқулодда ҳодиса деб қаралиб, бунга йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлик масаласи қонун доирасида ҳал этилсин" дея белгиллаб қўйилган бўлса, "Жиноят процессида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини тубдан яхшилаш тўғрисида"ги 2005 йил 7 февралдаги 40-сонли буйруғида эса "Фуқароларни ушлаш, қамоққа олиш, шунингдек жиноят иши бўйича шахсининг ижтимоий ҳафли қилиниши содир этганлиқда айблал, жавобгарликка тортиш ҳақида қонунга хилоф равишда қарор қабул қилган, дастлабки тергов устидан назорат олиб бориб, асосиз ҳулоса тузган ҳодимларга нисбатан прокуратура органларидан бўшашишга ча бўлган қатъий чоралар қўрилиш. Бундай ҳаракат суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан билла туриб со-

Жиноятнинг тез ва тўла фох этилиши ҳамда унинг тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона тергов қилиниши кўп жиҳатдан терговчининг ташаббускорлигига боғлиқ. Терговчилар ишининг самарадорлиги, улар фаолиятини ҳуқуқий қафолатлари мустаҳкамланишининг зарур шартларидан бири терговчининг процессуал мустақиллигини берилиши ҳисобланади. Терговчи процессуал мустақиллигининг берилиши топширилган иш учун унинг жавобгарлиги ва масъулияти ошишига шароит яратяди.

Терговчининг ўш иш юритувиди ги ўш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Жиноятларни фох этиш ва тергов қилишда терговчи мустақил процессуал воситаларни танлаш имкониятининг берилиши, процессуал мажбурият чораларини қўллашда, аниқ версияларни танлашда, айблов доираларини, эҳтиёт чораларини белгиллашда у тўлиқ ваколатларга эгаллиги унга юклатилган функцияларнинг муваффақиятли бажарилишига замин яратяди. Жиноят процессуал нормалар асосида иш юритадиган терговчи ўзи бажарадиган процессуал ҳаракатларни, жиноят суллов иш юритувиди прокурор назоратини амалга оширувчи прокурорнинг ваколатлари билан боғламайди. Чунки қонун терговчи процессуал ваколатларини берадир, шу вақтнинг ўзида у бажарадиган процессуал ҳаракатларнинг тўғрилиги ва қонунийлиги учун тўлиқ жавобгарлигини ҳам белгиллаган.

Б.ПҮЛАТОВ,
Бош прокурорнинг
Олий ўқув курслари кафедра
бошлиғи, юридик фанлар
доктори, профессор
А.АБДУЖАББАРОВ,
Бош прокурорнинг
Олий ўқув курслари ўқитувчиси

НОМУКАММАЛ ТЕКШИРУВ

солиқчининг обрўсига путур етказди

Сир эмаски, сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни ҳимоялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг учун барча ҳуқуқий асослар ҳам яратилди. Натижада соҳанинг иқтисодий раънақиди улдуши тобора ортиб борапти. Аммо бу масалалар ҳукуматимиз томонидан шунчалик жиддий эътибор қаратилаётган бир пайтда ҳали-ҳануз тадбиркорлар йўлига тўсиқ бўлиш ҳолатлари кузатишмоқда.

Бу боралда Кува туман давлат солиқ инспекцияси ва тумандаги "ARS" масъулияти чекланган жамияти ўртасида юзга келган низои тилга олиш ўринли. Маълум бўлишича, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиянинг 2009 йил 2 февралдаги 06.04-сонли буйруғига биноан ДСИ инспекторлари Д.Қосимов ва Д.Низомидиновлар "ARS" МЧЖда қисқа муддатли текшириш ўтказишди. Текширишда тадбиркор томонидан 2.702.300 сўм пул маблағи назорат касса машинасига кириш қилинмасдан банкдаги ҳисоб рақамига топширилганлиги аниқланган. Шу боис солиқчилар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 119-моддаси 1-қисмига мувофиқ МЧЖга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда молиявий жарима қўллашни сўраб, вилоят ҳужалик судига даъво ариза кириштирди.

Солиқ кодексининг 92-моддасида "давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси солиқ тўловчига солиқ текширувини ўтказишни бошлашдан олдин, нақд пул тушумларига тааллуқли масалалар юзасидан қисқа муддатли текширув ўтказишда эса солиқ текшируви тугаллангунига қадар ўз хизмат гувоҳномасини, шунингдек текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномасини кўрсатиши, солиқ текширувини ўтказиш дастурининг кўчирма нусхаларини топшириб, тилхат олиши шарт" деб, қолаверса "солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини текширувчи мансабдор шахс текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилмаган, ўз хизмат гувоҳномасини ва текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномасини кўрсатмаган бўлса, солиқ текширувини ўтказиш учун ҳудудга ва жойларга киришмаслиққа ҳақиқ" дея белгиланган. Лекин тилга олган ҳолатда инспекторларга текширув ўтказиш учун махсус гувоҳнома берилмаган. Бу ҳам етмагандек улар текшириш ўтказиш дастурини тадбиркорлик субъектига топширишмаган. Оқибатда Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонунининг 5-моддасида қайд этилган назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийлик, ҳолислик, ошкоралик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳўжалик юри-

тувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик тамойиллари бузилган. Табиийки, Солиқ кодекси ва бошқа қонунларни бузган ҳолда йиғилган далиллар солиқ тўловчини жавобгарликка тортишга асос бўлмайди.

Бинобарин, суд ДСИнинг даъвосини рад этди, Шу билан бирга текширувчиларга нисбатан тегишли интизомий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш ва келгусида бундай ҳолатга йўл қўймаслик чора-тадбирларини белгиллаш юзасидан хусусий ажрим чиқариб, вилоят давлат солиқ бошқармасига юборди. Бироқ...

Бироқ солиқчилар хатоларини тан олиш ўрнига ҳал қилув қароридан норози бўлиб, апелляция шикоятини беришди. Бунга қараанки, даъвогарлар апелляция ҳайъатига МЧЖ раҳбари Л.Мамажонов ўз тилхатида текшириш дастурини олганлигини ёзишни унутганлиги ҳақида 2009 йил 4 июнь санаси билан янги тилхат тақдим қилишди. Аммо бу Л.Мамажонов текшириш кўни берган тилхат ўрнини боса олмайди. Шунинг учун апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан, ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди. ДСИнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судига ёзган кассация шикояти ҳам тадбиркор фойдасига чиқарилган қарор билан яқун топди.

Шундан сўнг сулдинг хусусий ажримига жавоб келди. Унда билдирилишича, текширишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун ДСИ бошлиғи ўринбосари Э.Мелиев, "Қисқа муддатли текширишлар ўтказиш шўъбаси" катта инспектори Б.Ҳайитбоев, "Жисмоний шахсларини текширувчи мансабдор бўлими" бош инспектори Д.Қосимовларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-182-моддаларига асосан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилган. Инспектор Д.Низомидиннинг эса текшириш ва тафтиш қилиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномаси бекор қилинган.

Мана, биргина номукаммал текширув ортқиқа оворагарчиликка сабаб бўлди. Шу билан бирга солиқчининг обрўсига ҳам путур етказди. Ўйлаймики, баён этилган қонунбузилиш ҳолатларидан назорат қилувчи органлар ҳодимлари ўзларига тегишли ҳулоса чиқариб олишди. Зеро, тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш бугун ёки эртанги эмас, балки бардавом вазифамиздир.

Музаффар МУҲАММАДЖОНОВ,
Фаргона вилоят прокурорининг
ёрдамчиси
Алишер МАДАМИНОВ,
Фаргона вилоят ҳўжалик судининг
судьяси

Хизмат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар судига бордим. Одам кўп. Улар орасидан ёлғиз, нигоҳлари маънос, ҳаёл сурганча деворга суяниб турган аёл диққатимни тортди. Ҳа, бу даргоҳга бошига ташвиш тушганлар келади-да.

чарчаётган, уйни ҳам соғинган деб ўйлабман. Жамлаб қўйган пулларимиз камайиб қолаётганини сезиб, атрофимдаги ҳамма танишларимдан шубҳаланадиган бўлдим. Ўғлим ўзимни айблайди. Ҳам меҳнатимга, ҳам пулимга қуяман. Бироқ, сотиб олган нарсаларим ҳам йўқола бошлагач, бир куни пойламоқчи бўлдим. Додим-

қамалди. Топган-тутганим фақат уни қутқариш учун сарф бўлди.

Мана орадан тўққиз йил ўтди. Қизим ҳам бўйига етиб қолди. На уйим бор, на жойим. Кундошим эримдан фарзанд кўрибди. Ўғлим ҳам қамокдан қайтди. Қизимни қандай узатман, қаердан чиқараман, ўғлимни уйлан-тириш-чи?..

пасда дори-дармонга соғуриб бўлади. Бухорога қайтгач ҳам фақат гиёҳвандликдан наҳот излайди. Гиёҳвандлик охири-оқибати 28 йилли Файратни суднинг қора курсисига етаклади.

Бундай алашган тақдирлар эҳтимол саноқлидир. Бироқ битта бўлса ҳам бу жамиятимиз учун оғриқли нуқта, ташвиш, муаммо. Айрим мулоҳазаларга

АДАШДИМ, ЁМОН АДАШДИМ...

Суд раисига кириб мақола ёзгани келганимни айтдим. Котиба менга керакли маълумотларни тайёрлагунча раис икки-уч фуқарони навбатга билан қабул қилди. Шулардан бири ўша — диққатимни тортган аёл эди. У ўзини Инобат Латипова деб таништирар экан, муддаоси ўн етти йил қонуний никоҳда яшаган турмуш ўртоғи билан ажратишни сўраб ариза билан келганини айтди.

— Муҳлат бериб ўтирманг, биз бир неча йилдан бери бирга яшамаймиз, — деди аранг кўзларидан сел бўлиб оқаётган ёшни артган аёл.

Раис қонуннинг ўз талаблари борлигини тушунтирди. Аёл сабр билан эшитиб аризасини қолдирди. Аёлдан уэр сўраб бунча дардли нигоҳнинг сабабини сўрадим. Узоқ ўйлангача ҳам-суҳбатим гап бошлади:

— Тўрт-беш тангача ҳавас қилиб Россияга ишлагани кетдим. Биринчи йили ишлаб топганимдан кўнглим тўлди. Уйга қайтиб икки ойча юриб яна кетдим, лекин бу сафар эндигина ўн еттига кирган ўғлим Алибекни ҳам олиб кетдим. Она-бола олдинги ишимданла сардаромад иш топдик. Ўғлим ўзим қатори бозорда мева-сабзавот "сартировка" қиларди. Ишимизнинг тайинли соати йўқ эди. Бозорга қай вақтда юк кирса биз ишлардик. Ўн икки-ўн беш соатлаб қолиб кетган кунларимиз ҳам бўлган. Баъзан шу юкдан орттирганимизни ўзимиз бозорга ошириб пуллардик. Бир йилу икки ой ишладик. Охириги оилар ўғлимнинг юриш-туриши ўзгарди: бир қарасанг, асабийлашиб юради, бирда маънос, сокин юради. Мен бўлсам болам

ни кимга айтмай... Ўз ўғлим ўғри экан. Қистовга олдим, кўзимга тик қараб, безрайиб "дори"га ўрганиб қолганини айтди. Қачон бу дардга йўлиқди, ким уни шу йўлга олиб кирди? Бозор подвалида баъзан дам олиш учун шерикларимиз жой қилишганди. Иш кўпайиб ҳолдан тойган пайтларимизда ўша ерда дам олишга ўғлимни ўзим юборардим. Биринчи марта ўша ерда таклиф қилишган экан, чарчоқни чиқаради деб. Кейинги сафар эса бир таниш йигитнинг туғилган кунда дарвага тортиқ қилишбди. Ўғлимни олдимга солиб уйга қайтдик. Қизим Лолана онамга қолдирганим. Эрим уйда ёлғизлигидан фойдаланиб, бир аёлни бошлаб келибди...

Ҳаётим остин-устун бўлиб кетди. Эримдан нафратландим. Уйдан ҳеч нарсга олмай чиқиб кетдим. Баъзан онам, баъзан опаларимникида болаларим билан яшаб юрдик. Россиядан орттириб келган пулимни ўғлимни даволатишга сарфладим. Орадан олти ой ўтиб яна Россияга кетдим. Ўғлим билан қизимни онамга қолдирдим. Аммо тузалди деб ўйлаган ўғлим саёқ бўлди. Ота-онаму опаларимни роса қийнабди. Қани эди кетганимга яраша яхши иш топган бўлсам. Уч ойча сарсон бўлдим. Топган ишимга жуда кам ҳақ тўлашарди. Фикру ҳаётим пул топиш, чунки уй олишим керак эди. Онамникида юрган пайтларим эрим уйини сотиб, ўзи у аёлнинг уйига кетганини эшитганим. Ҳазар қилганим учун уйдан ҳеч қандай улۇш талаб қилмадим.


Кўп ўтмай ўғлим гиёҳвандлик моддаси билан қўлга тушиб, беш йилга

Ҳозир бир комбинатга ишга кирдим. Маоши яхши. Ҳокимиятга уй-жой сўраб ариза бериб қўйганман, яқинда уйлик ҳам бўламан. Узоқдаги қуйруққа кўз тикиб, оилам барбод бўлганига ўзим сабабчи эканлигимни яхши биламан. Фарзандларимга аини керак пайтим ташлаб кетдим, тарбиясини жиловлолмадим. Пушаймонлик аланга бўлиб ич-этимни жиззанақ қилади. Аммо, энди фойдаси нима?!

Файрат Ғойипов ҳам бойликка ҳавас қилиб ўртоқлари билан Россияга борганди. Иши юришиб чўнтаги пулдан қаппайди ҳам. Аммо бир қалтис қадами унинг ҳаётини изидан чиқариб юборди.

Ора-орада ўртоқлари билан улфатчилик қилишар, ўзларини "эркалатиб" қўйишни ҳам унуттишмасди. Шундай кунларнинг бирида дискоткада "хизмат" таклиф қилган қизни оғушига олди-да, ўзига ўзи ҳукм чиқарди...

Шу кундан бошлаб тоби қоча бошлади. Оғриқ азоблари кундан-кунга ўз исканжасига оларди. Шифокорларга мурожаат қилади. Ташхис — ОИТС! Муолажалар самара бермайди. Шунда у бир дўстининг маслаҳати билан гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилади. Елиб-югуриб топган-тутганини бир



бориб қаҳрамонларимизнинг исм-шарифларини ўзгартириб бердик. Зотан, аянчли қисматлардан ҳулоса чиқариш ҳаётда тўғрилиқ ва хатонинг, яхши ва ёмоннинг фарқида бориш сабоғини беради. Алқисса, умидимиз ҳам шу.

Меҳринисо ХУСАИНОВА,
журналист

Кармана тумани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳудудда крименоген вазиятни барқарорлаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, одам савдоси, одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ бўлган қўшмачилик, фоҳишабозлик каби жиноятларнинг оқилишини кучайтириш борасида кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

ҲАМКОРЛИК ВА ФАОЛЛИК ЗАРУР

Жумладан, 2009 йилнинг июнь ойида туман ИИБга қилинган мурожаат юзасидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида яна бир жиноий гуруҳ фош этилди. 2008 йилнинг декабрь ойи ўрталарида Кармана туманида яшовчи А.Зокиров жияни С.Ботиров билан ўзаро жиноий тил бириктириб, фуқаролар Анаваржон Мурасов ва Мадлен Безазиевлар Россия Федерациясида иш ва уй-жой топиб беришни ваъда қилиб, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетади. Россия Федерациясининг Хабаровск шаҳридаги қурилишда ишлаймиш, ойига 500-600 АҚШ доллари миқдоридан маош оламиз, деган ҳаёлда уларга эргашган йигитлар 2009 йилнинг июнида қалар маошиз, қийин шароитларда ишлашга мажбур бўлишди.

Ушбу ҳолат юзасидан А.Зокиров ва С.Ботировларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, шу йилнинг 11 август кўни соат тахминан 10:00 ларда

фуқаро К.Т.нинг Карманадаги уйида З.С. ўзи туққан чақалоғини Л.М. исм-шарифи аёлга 800 минг сўм пул эвазига сотган вақтида вилоят ва туман ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланган.

З.С. 1990 йил 26 мартда Тошкент шаҳрида туғилган бўлиб, турмушга чиқмаган экан. Енгил табиати бу қиз, уйдан чиқиб кетиб, К.Т.нинг Карманадаги уйида ижарада яшаб келган. Унга ва К.Т.га нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, одам савдоси машғум жиноят. Унга қўл урганлар орасида аёлларнинг учраши жуда ачинарли ҳол. Шунинг учун жойлардаги маҳалла, хотин-қизлар қўмитаси, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва бошқа идораларнинг бу каби салбий ҳолатларга қарши ҳамкорликда фаол иш олиб боришлари тақозо этилади.

Абдузотир ХОЛМУРЗАЕВ,
Кармана туман прокурори
ўринбосари

Инсон шаъни ва қадр-қиммати улуғлигини унутмайлик!

Андижон шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган одам савдосига қарши курашиш вилоят идоралараро комиссияси ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши шундай номланди.

Унда ишчи гуруҳининг аъзолари, шаҳар ва туманларга бириктирилган масъул котиблар, "Камолот" ЁИҲ ва "Келажак овози" вакиллари ҳамда "Меҳримиз Сизга" аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази аъзолари иштирок этди.

Йиғилишга вилоят ҳокимининг ёрдамчиси А.Нурматов ва вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари М.Эгамбердиевлар таклиф этилди.

Кун тартибидagi масала очик мулоқот тарзида таҳлил қилинди. Мулоқот чоғида жорий йилнинг 10 ойи мобайнида амалга оширилган ишларга танқидий ёндошилди. Бу даврда вилоят бўйича одам савдоси билан боғлиқ 75 та жиноятлар аниқланган. Жиноятларни содир этган шахслар 95 нафарни, жабрланувчилар сони эса 245 тани ташкил этган. Айбланувчилар бу шахсларни асосан ишга жойлаш-

тириш баҳонасида алдаб ўзга юртларга олиб бориб, улардан бошқа мақсадларда фойдаланишган. Ёш қиз-жувонларни фоҳишалик ёки бошқа ноқонуний фаолият билан шугулланиш учун хоржий давлатларга жўнатиш ҳолатларининг олдини олиш учун хоржий давлатларда норасмий меҳнат фаолияти билан шугулланганлиги ва бошқа сабабларга кўра депортация қилинган ҳар бир фуқаро билан профилактик-тезкор суҳбатлар ўтказилганлиги таъкидланди.

Қонунчилик, мазкур жиноятлардан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатишда ёшларнинг ўрни, мазкур соҳадаги жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан олиб борилаётган ишлар, мазкур жиноятлардан жабр кўрганларга тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича амал-

га оширилаётган ишлар атрофида таҳлил қилинди.

Йиғилишда одам савдоси жиноятининг олдини олишда, аниққаса, аёллар ва ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Алдамчи қимсаларнинг ёлғон ваъдаларига уммаслик кўп жиҳатда оиладаги соғлом муҳит, маънавий тарбия, ҳуқуқий саводхонлик ва фойдали меҳнат билан бандлик сингари жиҳатларга боғлиқдир. Вилоятимизда бундай жиноятнинг олдини олиш, ундан жабрланганларга ижтимоий-ҳуқуқий қўмак бериш борасида қатор дастур ва режалар белгиланган.

Тадбир сўнида мазкур масала юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шавкатбек ИСОМИДДИНОВ,
Андижон вилоят
прокуратурасининг бўлими
бошлиғи

Маълумки, тадбиркорлик, хусусан, савдо-сотиқ нафақат мамлакат иқтисодий-тига, балки фаровонлигига ҳам салмоқли ҳисса қўшади. Бозорларимизнинг сифатли маҳсулотлар билан бойитилишида тадбиркор ва фермерларнинг ҳам муносиб улуши бор. Айни дамда ҳукуматимиз томонидан ишнинг кўзини биладиган, эрдубурон тадбиркорларга эркин фаолият юритишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳалол меҳнат қилиб, барака топадиган вақт келди.

Шу пайтгача тадбиркорлик қилиб, уч-тўрт сўм жамғарган Азиз Саидов (исм-фамилиялар ўзгартирилди) энди каттароқ ишларга ҳам қўл урмоқчи бўлди. Уйлай-уйлай, савдо мажмуаси очилиши ният қилди-да, қурилиш учун ер излай бошлади. Табиийки, бу ҳақда ошна-оғайниларига ҳам хабар қилди. Бир-икки жойини таклиф қилишди, ёқмади. Шундай кунларнинг бирида оғайинси кўнгирак қилиб, мўлжалдаги ер топилгани ҳақида

бераман деб қолдилар. Дарҳол сизга кўнгирак қилдим.

— Сизларга катта раҳмат, — Азиз Саидов миннатдорчилик билдирган бўлди. — Бўлмаса, вақтини ўтказмайлик. Ерни кўрсак бўлади-ми?

— Ҳозир ака, ишни бошида турган одам келсин. Усиз ҳеч нарса битмайди. Ун дақиқа кутиб турайлик...

М.Рустамов гапини тугатмай, даврага яна бир одам келиб қўшилди.

— Ие, бормисиз, Ҳақимжон? Ҳозир чиқаман деганингизга ҳам бир соатча бўлди.

— Уэр, кутириб қўйдим. Ҳамид ака, давлатни ишини биласиз-ку! Майли, келинглр акалар, хизмат! — Бу акаимизга озорқ ер керак. Эшитишимизча, мўлжалдаги ерлар бор экан. Маҳмуд ака айтган эдилар. Шунга сизни қора тортиб келдик. Иложи бўлса ёрдам берсангиз!

— Гап бўлиши мумкин эмас. Қўлимиздан келган ёрдамни берамиз.

У шундай дея А.Саидовга юзланди:

— Ерни нима қилмоқчисиз, ака? Айтмоқчи, қанча керак ўзи?

— Очгини, озорқ сармоа йиғиб қўйган эдим. Шунга савдо мажмуа-

кирди. Ҳокимни олдиға ҳам икки-уч марта кириб, сизларнинг ишингизни гаплашиб чикдим, деди.

— Мен ҳам ҳайронман. Ерининг нархини ҳам сал кўпроқ айтиб юбормадимкин?

— Ким билди дейсиз. Майли, бу ёғи таваккал. Ўйчи ўйига етунча, таваккалчи ишини битирибди дейишади-ку! Ажаб эмас, ишларимиз юришиб, пули ҳам чиқиб кетса!

— Гапингиз тўғри, хайрли иш бошладингиз-ку. Хўш, мени ҳам шерик қиласизми?

— Бу нима деганингиз? Менда бунча пул йўқ. Шунинг учун бу ёғи шерикчилик. Ярмини кўтаришиб юборсангиз бўлди. Қолганини кейин гаплашамиз...

Пул топилгач, А.Саидов Ҳамид акага кўнгирак қилиб, пулни бермоқчилигини айтди. Бу сафар Асия бозорининг ёнида учрашилди. Уларни Ҳ.Ҳасанов билан М.Сатторов кутиб олишди. А.Саидовдан пулларни санаб олган Ҳ.Ҳасанов энди шаҳар ҳокимини номига ариза ёздирди. Ариза ёзилгач, унга қўшиб, А.Саидовнинг паспорти нусхасини ҳам олди-да, пулни қолганини ҳам тезлаштириш кераклигини айтди. А.Саидовнинг ваъдасини олиб, уларни ку-

ро бекатининг ёнида учрашилди. Салом-аликлан кейин у А.Саидовга юзланди:

— Эшитишимча, ер масаласи ҳалигача ҳал бўлмабди. Нимага бундай бўлаётганига ҳайронман. Мени тўғри тушуниб, ўртага тушиб, сиз билан Ҳақимжон ва Ҳамиджонларни таништириб қўйганимдан ҳижолатдаман. Шунинг учун бу ерга уларни ҳам чақирганман. Сизларни юзлаштириб, орани очиб қилмоқчиман. Яна уялиб қолмай...

Бу гапларни эшитган А.Саидов ҳайрон бўлиб қолди:

— Гап йўқ, ака. Таништириб, учраштириб қўйдингиз, бўлди. Сизга каттақон раҳмат.

Улар шу йўсида гаплашиб турар экан, Ҳақимжон етиб келди.

М.Сатторов ҳозиргина А.Саидовга айтган гапларини унга ҳам такрорлагач, ёнини кавлаб, пул олди-да, А.Саидовга узатди:

— Бу ерда 40 минг доллар. Ўша кун сиз берган 100 минг долларнинг қирқ минг минда эди. 60 минги эса бу кишида. Энди менга рухсат. Мени бу ишга бошқа аралаштирманглр. Хайр бўлмаса...

У кетгач, Ҳақимжон ҳамма ишлар рисоладаги-

долларни ҳам ташлаб кетди. Бу орада янги йил ҳам кирди. Ҳақимжон эса А.Саидов билан кўнгираклашиб, пулнинг қолганини сўраб, ер масаласида ваъда беришдан чарчамади. Янврий ойнинг охирида А.Саидовни яна икки оғайинси йўқлаб келишди. Улар ҳам унинг ер олмоқчи бўлаётгани, пули эса етмаётганидан хабар топишганини айтиб, агар шерикчиликка олса, пулнинг қолганини топиб беришларини ваъда қилишди. А.Саидов рози бўлиб, уларнинг биридан 30 минг, иккинчисидан эса 40 минг доллар олди. Уч-тўрт кун ўтгач эса, Ҳақимжоннинг таклифи билан шаҳар ҳокимияти олдида учрашилди. Ҳақимжон ундан пулларни олди-да, ҳокимиятга кириб кетди. Кўп ўтмай қайтиб чиқиб, унинг ёнига келди.

— Мана ака, ишингиз деярли битди. Ҳозиргина ҳамма ҳужжатларни кўрсатиб, гаплашиб чикдим. Ҳаммаси жойида. Энди фақат кутиш қолди. Ё ойнинг охирига. Ёки келаси ой бошларида ерни олиб, қурилишни бошлайсиз.

А.Саидов унга миннатдорчилик билдириб, ортга қайтди. Шундан кейин ҳам у тох телефон орқали, гоҳида Ҳақимжон-



айтиб қолди. Учрашилди.

— Шайхонтоҳур туманида каттагина ер майdonи бор экан. Тахминан 40-50 сотих чиқармиш, — деди Маҳмуд Сатторов улар қуришишгач, — шундоққина йўлнинг ёқасида экан.

Бу гапни эшитган Азиз Саидов қувониб кетди. Нархи билан қизиқди.

— Билмадим. Ер қидириб юрганингизни бир танишимга айтган эдим. Яқин одамим, яхшироқ жойдан бўлсин деган эдим. Боя ўша айтиб қолди. Танишлари ер бор, келиб қўрсин дейишди. Хоҳласангиз, учрашиб, гаплашиб кўринг...

А.Саидовнинг розилигини олган Маҳмуд Сатторов, шу заҳоти танишига кўнгирак қилиб, учрашув жойини ва вақтини келишиб олди. А.Саидов эса оғайинси Раҳмат Усмоновга телефон қилиб, уни ҳам таклиф қилди.

Кўп ўтмай Мировод туман ҳокимияти биноси олдида учрашилди. Уларни Маҳмуд Сатторовнинг таниши Ботир Каримов билан яна бир одам кутиб олишди.

— Ер олмоқчи бўлган Азиз ака, шу киши, — М.Сатторов А.Саидовни уларга таништириб экан, гап бошлади. — Ер борлигини эшитиб, хурсанд бўлдилар. Савдо-сотиқни йўлга қўймоқчи эканлар.

— Хайрли иш бошлабсиз, ака. Ўнгина бошласин, — Б.Каримов А.Саидовнинг кўлини сиқиб қўйди. — Маҳмуд акам, яқин танишим ер қидириб юрибди деганларидан кейин, мана, — у ёнидаги одамни кўрсатди, — Ҳамид акани учратиб қолдим. Илгари бир қўришганимизда Ҳамид ака туман ҳокимиятида танишим бор. Бир-икки танишларга ер тўрилаб берган деган эди. Шу гап ёлмига тушиб, эслатган эдим, ўша заҳоти ер бор, ёрдам

си қуриш ниятим бор. У ер қанча экан ўзи?

— Ундай бўлса, роса сиз боп жойини кўрсатаман. Шундоққина кўча юзюда. Тахминан эллик сотих чиқиб қолади.

— Яхши бўларди. Қачон кўрсак бўлади? Нархини келишмадик. — Бу бошқа гап. Ҳозироқ бориб кўрасиз. Қолган гапларни кейин гаплашамиз.

Ерни бориб кўришди. Жой А.Саидовга маъқул келгач, бирга-либлиб орқага қайтишди.

— Энди нархи масаласига келсак, — Ҳақимжон меҳмонларни хонага олиб киргач, гап бошлади, — Ўзингиз яхши биласиз, ҳозир бир сотих ер фалон сўм. Тўғрими? Ерининг баҳоси 200 минг доллар бўлади. Қиммат экан деб ўйламанг.

Мен шу ҳокимиятда ишлайман. Шунинг учун ҳам бундай ишларнинг пасту баландини яхши биланман. Ундан ташқари, бу пулларингизнинг деярли ҳаммаси кассага тўланади. Бошланишига 100 минг олиб келасиз. Ахир ер ажратиб масаласи ўз-ўзидан ҳал бўлмайди. Аввало шаҳар инфраструктурасини ривожлантириш учун шаҳар ҳокимлигининг ҳисоб рақамига пул тушириш керак. Буняим яхши билсангиз керак? Хуллас, агар маъқул келган бўлса, юз мингги икки-уч кунда Маҳмуд акага келтириб берасиз. Айтмоқчи, Ҳамид ака, сиз шаҳар архитектура бошқармасидан ўша ерининг проектини тасдиқлатишни тезлаштирасиз. Мен унганча қолган ҳужжатлар билан шуғулланаман...

Учрашувдан ортга қайтишар экан, А.Саидов Р.Усмоновга дилан учрашганини қўйишни сўради. Ўша болага ишонмай десам, ўзингиз кўрдингиз, кабинетига олиб

затиб юборгач, Ҳақимжонга кўнгирак қилди. У тезда етиб келинглр деган бўлса керак, шу заҳоти машинага ўтириб, йўлга чиқибди. Ҳақимжоннинг ишхонасига келгач, Ҳ.Ҳасанов пакетдаги пулдан 60 минг долларини ажратиб олди-да, қолганини "Сизда тура-турсин" дея, М.Сатторовга узатди. Ўзи эса Ҳақимжоннинг машинасига бориб ўтирди. Кўп ўтмай қайтиб келиб, "Бўлди, пулни бердим. Буниси ҳозирча сизда тура-версин" деб у билан хайрлашди.

Бу орада А.Саидовнинг Тоҳир исмли яна бир оғайиниси уни йўқлаб келди.

— Оғайини, ер олиб, бизнес бошламоқчи экансиз. Табриклайман. Эшитиб хурсанд бўлдим. Агар имкон бўлса, мени ҳам шерикчиликка олсангиз. Эшитишимча, озорқ етмай турган экан. Агар ҳўп десаңыз, қўшиб юборишим мумкин. Нима дейсиз?

Юз минггига бериб қолганини қандай топишни ўйлаётган А.Саидов шу заҳоти рози бўлди. Тоҳир унга 30 минг доллар ташлаб кетди.

Бу вақтда эса ер масаласининг ҳалигача ҳал бўлмаганини орқавадортдан эшитган М.Сатторовнинг кўнглини хавотир чулғабди. "Ерни ҳали ҳам тўғрилаб беришмабди. Савоб иш қиламан деб, ишқалга аралашиб қолган бўлмай тагин. Қасқанд ҳам уларни таништириб қўйдим-а? Устига-устак 40 минг долларни ҳам ҳали ҳеч ким сўрагани йўқ. Яхяиси, пулни эгасига қайтариб бериб, эсим борида "уйин"дан чиққаним маъқул". У шу хаёллар билан эртасига Б.Каримовни топи-да, ундан А.Саидов билан учрашганини қўйишни сўради. Ўзи эса Ҳамид билан Ҳақимжонларни ҳам таклиф қилди. Икки-уч соатлардан кейин "Ҳамза" мет-

САРОБГА АЙЛАНГАН ОРЗУЛАР

дек кетаётганини айтиб, А.Саидовнинг хотиржам қилди.

— Акажон, нимага хавотир оласиз-а? Ишлар режа асосида олиб боришмоқда. Аризангиз шаҳар ҳокимлигига топширилган. Бошқа зарур ҳужжатларни ҳам шахсан ўзим деярли тўплаб бўлдим. Насиб қилса, яна бир зўр берсак, ҳаммаси ҳал бўлади. Энди пул масаласига келсак. Мен сизга биринчи учрашувдаёқ бошланишига 100 минг доллар беришингиз керак деган эдим. Эсингиздами? Менга эса бори-йўғи 60 минг беришди. Бу пулларни аллақачон ишга қўйганман. Энди гап бундай. Ҳозир Маҳмуд акадан олган пулни менга берсангиз. Кейин, агар имкон бўлса шу бугуннинг ўзида яна 10 минг ҳам топиб қўйсангиз, яхши бўларди. Ишимиз ҳам шунча тез битари. Очгини, менга фарқи йўқ. Ишнинг қанчалик тез ҳал бўлиши энди фақат сизга боғлиқ.

Ҳақимжон шунақанги ишонч билан гапирар эдики, бироз олдин Маҳмуджоннинг айтган гаплари-ю пулни қайтариб бергани билан Азизнинг ёлдан кўтарилиди. Кечатгина Тоҳирдан олган пулдан 10 минггига ажратиб, ёнидаги 40 мингга қўшди-да, Ҳақимжонга берди.

— Бу бошқа гап. Энди ишимиз ақча тезлашади. Сиз қолганини ҳаракатини қилаверинг. Пулни қанча тез топсангиз, ўзингизга шунча фойда...

Икки ҳафталардан кейин А.Саидов Р.Усмонов билан Ҳақимжонга учрашиб, Тоҳирдан олган пулнинг қолгани — 20 минг

нинг ишхонасига келиб, у билан гаплашди. Аммо Ҳақимжон ваъда беришдан нарга ўтмади. Бу орада улар олмоқчи бўлган ерларда қурилиш ишлари бошлаб юборилганини қўриб, жоҳолатда яна Ҳақимжоннинг олдида югуришди. Ҳақимжон ҳеч қасрда йўқ эди. Ҳамидни қидириб қўришди, у ҳам йўқ. Туман ҳокими (ўша пайтдаги)нинг олдида киришди. Унинг ҳеч нарсадан хабари йўқ экан. Нима қилишни билмай, охири тегишли органларга мурожаат қилишди.

